
МАҲМУД САТТОРОВ
АКРАМ КАТТАБЕКОВ
ОЛИС
ЮЛДУЗЛАР
ЖИЛОСИ

Бош устингдан ўтди кўп замон,
Ўтди ислом, ўтди зардушти.
Ҳар учраган нокасу нодон
Она халқим, ёқангдан тутди.
Сени Чингиз ғазабга тўлиб
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан
Жалолиддин самани бўлиб
Сакраб ўтдинг Амударёдан.
Сенсан ўша саманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ — ҚАҲРАМОНЛИК МАКТАБИ

«Тарихий роман биринчи навбатда қаҳрамонлик дарслиги бўлиши лозим»[1] деган эди тарихий роман устаси Василий Ян.

Дарҳақиқат, халқимизнинг узоқ ўтмишда Искандар Зулқарнайн, Қутайба, Чингизхон, Ботухон каби босқинчиларга қарши олиб борган мардонавор кураши — бугунги ёш китобхон учун чинакам қаҳрамонлик мактабидир.

Худди шунинг учун ҳам мазкур тема кўп миллатли совет болалар адабиётида етакчи

[1] **В. Ян.** Путешествия в прошлое. «Вопросы литературы», 1965, 9-сон.

ўринларидан бирини эгаллаб келмоқда. Бинобарин, болалар она юрт учун жонини бағишлаш ва ватанпарварлик ҳақидаги дастлабки тушунчаларни кичик синфлардаёқ «Тўмарис», «Широқ» каби афсоналардан оладилар. Ўзбек адабиётида тарихий-қаҳрамонлик мавзуининг ишланиши ўзининг бой анъаналарига эга. Айниқса, Улуғ Ватан уруши даври адабиётида қаҳрамонлик мавзуи кенг ишланган давр бўлди. Адабиётшунос В. Перцовнинг ўринли таъбири билан айтганда, «совет адабиёти аждодларимиз жасоратида ўзи учун катта резервлар излаб топди ва уларни узоқ тарихдан ҳаракатдаги армия сафларига чақириб келтирди»[1].

Худди шу даврда халқимизнинг ўтмишда чет эл босқинчиларига қарши курашини, давлатни мустаҳкамлаш, унинг мудофаа қудратини ошириш учун интилишларини ва бу курашларда етишган халқ қаҳрамонлари образини ёритиб берувчи Ҳ. Олимжоннинг «Муқанна», М. Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», «Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий» шеърий қаҳрамонлик драмалари вужудга келди. Бу асарларни бирлаштириб турган бош хусусият — уларда қаҳрамонлик, юксак ватанпарварлик ва оташин гуманистик ғояларнинг илгари сурилишида, асарларнинг халқ кучига, адолат ғалабасига юксак ишонч — оптимистик руҳ билан суғорилганлигидадир. Бу хусусият эса уларнинг замонга хизматини, жангчиларни аждодларимизнинг энг яхши хислатларидан илҳомлантириб, уларни ватанга содиқ, қаҳрамон ота-боболарига муносиб бўлишга чақириш борасида тарбиявий аҳамиятини кучайтирди.

[1] **В. Перцов.** Писатель и его герой в дни войны (статья вторая). Образы великого прошлого. «Октябрь», 1944, 6-сон.

«Араб босқинчиларини тумтарақай қилиб қувган Муқанна, Чингизхонни даҳшатга солган Торобийнинг руҳи ҳамон тирик,—ёзган эди ўша йилларда Ҳ. Олимжон. — Бугун ўзбек жангчилари курашга кирар экан, халқ ботирларининг номи билан қилич чопадилар»[1]. Дарҳақиқат, Ҳ. Олимжон ҳам ўз драмасига мана шу нуқтаи назардан ёндошади. Тарихий фактлардан чиқиб кетмаган ҳолда драматург VIII асрда араб босқинчиларига қарши халқни қўзғатган, ўз элининг довюрак фарзанди Ҳошим ибн Ҳаким (Муқанна) нинг романтик образини яратади.

Лекин Ҳ. Олимжоннинг кўз олдида ҳамиша фашизм билан олишиб, жон олиб, жон бераётган қаҳрамон ўзбек жангчиси гавдаланади. Шунинг учун драматург баъзан тўғридан-тўғри Муқанна тилидан фронтдаги жангчига ватан тушунчасини оддий қилиб изоҳлаб беради. Муқанна тилидан уларнинг қасамёдини қоғозга туширади:

Менинг онам шу тупроқда туғилган,
Боболарим шу тупроққа кўмилган,
Шу тупроқда кипдигимнинг қони бор,
Шу тупроқда авлодимнинг қони бор.
Шундан кетиб бўлайинми муттаҳам?!
Бир қарич ер топилмасми менга ҳам?

[1] **Ҳ. Олимжон.** Асарлар мажмуаси. 5 томлик. 4-том. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1971, 130-бет.

Бир бошимга юз минг бало келса ҳам,
Шу тупроқдан силжимайман бир қадам!
Бир минут ҳам ажралмайман элимдан,
Ўлганда ҳам чекинмайман еримдан![1].

Санъаткорнинг сеҳрли қалами кучи билан асрлар оша Муқаннанинг ўтли чақириғи ўзбек жангчиси қулоғига етиб келади:

Шунқорларим, парвоз қилиб учинглар,
Булут бўлиб ёв устига кўчинглар.
Арслонларим, ҳамла қилинг беомон,
Кўзингизни равшан қилсин оққан қон...[2]

Ҳ. Олимжоннинг «Муқанна» драмасида қаҳрамонона характер яратиш маҳоратига А. Фадеев юқори баҳо берган эди:

«Унинг уруш йилларида яратган асарлари орасида VIII аср Ўзбекистонининг араб босқинчилари томонидан босиб олиниши давридан ҳикоя қилувчи «Муқанна» драмаси алоҳида ажралиб туради. Халқ йўлбошчиси Муқанна ва ўзбек Жанна д'Арки — қаҳрамон Гулойин образлари Ҳ. Олимжоннинг жуда катта муваффақиятидир»[3].

М. Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» ва Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий» шеърий драматик асарлари ҳам уруш даври адабиётимизни янги, оригинал қаҳрамонона характерлар билан бойитди. Ғ. Ғулом ва Ойбек «Жалолиддин» драмасининг ғояси ва автор маҳоратини ўз вақтида яхши очиб бердилар.

[1] **Ҳ. Олимжон.** Асарлар мажмуаси. 3-том. 126-бет.
[2] Ўша жойда.
[3] **А. Фадеев.** Собр. соч. в 7 томах, т. 4. «Художественная литература», М., 1971, 370-бет.

«...Жалолиддин тимсолида автор халқни душманга қарши курашга тўплаб, сафарбар қила олган, она-Ватан учун ҳаётини бағишлаган довюрак, доно, моҳир қўмондон образини яратди. Драматург тарихий васиқачиликни эмас, тарихий жараённинг ҳақиқий мазмунини, унинг ички маъносини бадиий тажассумлантиришга интилган...

Ватан ўғилларининг эрк, мустақиллик, номус ва шараф учун бошлаган фидокорона кураши ёрқин, маънодор, драматизм билан тўла ҳаяжонли картиналарда гавдаланади ва Жалолиддин образи асарда тўлақонли, жонли ва улуғвордир. Сўзи, ҳаракати ва бутун сиймоси билан романтик кўтарилма руҳли баҳодир, айни замонда ҳақиқий одамийлик хислатларидан баҳраманд.

«Жалолиддин» давримизга ғоят ҳамоҳанг. Улуғ Ватан уруши йилларида, совет халқларининг қаҳрамонлиги мислсиз гуллаган даврда ботир аждодларнинг шонли ишлари юракларни ифтихор билан тўлдиради, томирларда яловбардорлик туйғуларини мавжлантиради, қонли, чиркин фашизмни яксон қилиш учун муаззам курашимизни янги зафарлар ва шонлар чўққисига илҳомлантиради»[1].

Ўрта Осиё тарихининг Ойбек ва Ғафур Ғуломдек зукко билимдонларининг Жалолиддин Мангуберди ва унинг даври ҳақидаги бу гапларини грузин ёзувчиси Григол Абашидзенинг «Ялдо кечаси» ва рус ёзувчиси Исай Калашниковнинг «Бераҳм аср» романларидаги Жалолиддин образи концепцияси билан

[1] **Ойбек, Ғ. Ғулом.** «Жалолиддин» драмаси ҳақида, «Қизил Ўзбекистон», 18 февраль, 1945.

солиштирар эканмиз, тарихий сиймоларни ўрганмаслик қардош ёзувчиларнинг қанчалик кўпол хатоларга олиб келганини равшан тасаввур қиламиз.

М. Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» драмаси ва В. Яннинг «Чингизхон» романида Жалолиддин чинакам озодлик курашчиси бўлиб, мўғул босқинчиларига узоқ вақт қаттиқ зарбалар бериб келади. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда отрядлар тузиб, босқинчига даҳшат солади, лекин кучлар тенг бўлмаганлиги унинг пировардида енгилишига сабаб бўлди. Бу асарларда биз Жалолиддинни чинакам халқ қаҳрамони сифатида кўрамиз.

Григол Абашидзенинг «Ялдо кечаси» ва Исай Калашниковнинг «Бераҳм аср» романларида эса Жалолиддин—шаклланиб улгурмаган деспот, бераҳм жаллод. У дастлабки кунлариданоқ золимлик хислатларини кўрсатади, оёғи етган ерда ўлим уруғини сочади. «Агар босқинчи Чингизхон ва Жалолиддиннинг ўринлари алмаштирилса, бундан ҳеч нарса ўзгармаган бўларди» — бу жасур халқ қасоскори ҳақида ёзувчиларнинг концепцияси мана шу.

«Кечқурун Жалолиддин чодири олдида ёқилган гулхан ёруғида ғолиблар базм қурдилар. Асирга олинганларнинг қулоқ ва бурунларини кесишди ва уларнинг изтиробларидан обдан роҳат қилгач, ўлдирдилар. Чодирда амирлар май ичишар, Жалолиддинни мадҳ этишар, мўғулларни бутунлай қириб ташлашга онт ичардилар. Жалолиддин ўзини бахтиёр ҳис этарди». И. Калашников Жалолиддиннинг Парвонадаги ғалабасини, ана шундай киноя ва ғазаб билан тасвир этади.

Жалолиддин балки идеал қаҳрамон бўлмагандир, унинг ўзига хос синфий чекланганлигини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Лекин бундай мураккаб шахсларга ўша давр нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, Жалолиддиннинг босқинчи мўғулларга қарши халқни кўтарганлиги, бу мақсад йўлида жонини фидо қилганлиги, ватанпарварлиги каби ижобий жиҳатлардан кўз юмишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Айниқса қардош халқ тарихи ҳақида сўз юритилар экан, фактларга объектив ёндашиш, қардош халқ ўтмишига ҳурмат билан қалам суриш халқлар дўстлигининг муҳим шартидир.

Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий» шеърий драмаси 1238 йили Бухоро атрофида бўлиб ўтган кучли халқ қўзғолони бошлиғи косиб шайх Маҳмуд Торобий ҳақидаги биринчи бадиий асар эди.

Торобий қўзғолони тафсилотлари айтилган тарихий ҳужжатлар унчалик кўп эмас. Хусусан, Олоуддин Отамалик ибн Муҳаммад Жувайнийнинг (1126—1283) «Тарихи жаҳонкушой» («Жаҳонгир Чингизхон тарихи») асарида бу ҳақда қисқача маълумот берилади. Лекин бу муҳим тарихий воқеа Мирзо Улуғбек (1394—1449) қаламига мансуб «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») китобида бирмунча батафсилроқ берилган. Торобий ҳаракати меҳнаткаш — косиб-ҳунармандлар ҳаракати эди. Исёнчилар сони тобора ошиб, Торобийнинг мавқеи юксалиб бориши дорурға ва амирларни ташвишга солиб қўйди. Торобий халққа «Э, толиблар! Кимда-ким ер заминни нопоклардан тозалашни истаса, қўлига қурол олсин ва юртимизда улардан бир киши ҳам

қолмагунча курашмоққа бел боғласин»[1] — деб мурожаат қилди. Қўзғолончилар аркка бостириб кириб, уни эгалладилар ва Торобий Бухоронинг барча имом ва акобирларини йиғиб, уларнинг кўпини ўлим жазосига ҳукм қилди. Лекин шаҳардан қочган доруға ва амирлар вилоятнинг теварак-атрофида мўғуллардан катта қўшин тўплаб, исёнчиларга қарши юриш қилдилар. Гарчи қўзғолончилар бу тўқнашувда ғолиб келган бўлсалар-да, Торобий ҳалок бўлди. Лекин унинг иши кейин ҳам узоқ вақт Торобийнинг иниси Муҳаммад Али бошчилигида давом этди, босқинчилар бу қўзғолондан жуда катта талофот кўрдилар.

Лекин Ойбек негадир мана шу драматик воқеалар тасвирини батафсил бермай, унинг ўрнига кўпроқ Торобийнинг ишқ-муҳаббат саргузаштларига берилиб кетган. Бу маълум маънода қаҳрамоннинг кескин драматик ҳолатларда очилишига монелик қилган.

Шайхзода ҳам «Жалолиддин Мангуберди» драмасида қаҳрамонининг синфий чекланганлиги масаласини керагича ёркин ёритиб бера олмаган. Бу жузъий нуқсонлардан қатъи назар, Ҳ. Олимжоннинг «Муқанна», Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий» драмалари адабиётимизда тарихий-қаҳрамонлик мавзуининг ишланишида жуда бой традициялар яратдики, бу анъаналарнинг ижодий давом эттирилиши сўнгги давр ёзувчиларимизни катта ютуқларга олиб келди.

[1] **Мирзо Улуғбек.** Торобий қўзғолони, «Гулистон», 1979, 1-сон, 25-бет.

Ватанпарвар — она халқ

Кейинги даврда Миркарим Осим, Явдат Илёсов каби таниқли ёзувчилар, Маҳкам Маҳмудов, Зоҳир Аълам, Исфандиёр, Хайриддин Султонов, М. Тошпўлатов, А. Ибодинов каби бир қатор талантли ёшлар ижодида тарихий-қаҳрамонлик мавзуи ўзининг муносиб тадрижини топмоқда.

Сўнгги йиллар тарихий-қаҳрамонлик прозамизга умумий назар ташласак, ёзувчиларни халқимиз тарихидаги уч йирик давр кўпроқ қизиқтирмоқда. Булар: 1) машҳур грек фотиҳи Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юриши билан боғлиқ воқеалар;

2) араб истилоси даври;

3) мўғул босқинчиларига қарши кураш мавзулари бўлиб, улар асосан ҳикоячилик ва қиссачиликда ўз аксини топмоқда. Ҳалқимиз тарихининг энг қадимий даврларига йирик прозада — повесть ва роман жанрларида мурожаат қилаётган адиблардан бири қардош бошқирд халқининг фарзанди. Тошкентда яшаб, ижод этувчи талантли тарихчи-ёзувчи Явдат Илёсовдир.

Адиб Ўрта Осиё халқларининг қадимий тарихини жуда яхши билади. Жумладан: «Букри» повестида адиб массагет, умуман, Хоразм халқ ва уруғларининг босқинчилардан норозилик кайфиятларини, уйғониб келаётган миллий озодлик ҳаракати манбаларини анча жонли кўрсатади. Айни пайтда Эрон шоҳи Дороннинг илондек ҳушёр, тулкидек айёрлигини унинг бош маслаҳатчиси Гобриянинг шум ниятлари ва фаолияти воситасида ифодалайди. Массагетларнинг Кир (Куруш) қўшинлари билан бўлган жангини, Тўмарисининг эркпарвар

лашкарлари қаҳрамонлигини, Доронинг ўз олий мақсадида қайта юришини тасвирлайди. «Сўғдиёна» романида эса Я. Илёсов Александр Македонскийнинг Эрон шоҳи Доро қўшинларини тор-мор қилиб, кейин «халоскорлик» ниқоби остида Ўрта Осиё халқлари устига қилган босқинчилик юришни тарихини кенг кўламда акс эттирди. Сўғдиёна халқи орасидан чиққан баҳодир йўлбошчи Спантамаъно раҳбарлигида Ватан озодлиги учун чет эллик босқинчиларга қарши олиб борилган кураш тарихи қизиқарли ҳикоя қилинади. Спантамаъноннинг сотқин шахслар томонидан қўлга олиниши эпизоди китобхонни ларзага солади. Я. Илёсовнинг «Қора тул», «Олтин маъбуда» тарихий асарлари ҳам халқимизнинг узоқ ўтмишига оид қизиқарли воқеалардан ҳикоя қилади. Аммо, афсуски, Я. Илёсов ижоди ҳали адабиётшуносликда ўзининг муносиб баҳосини олганича йўқ.

Ўзбекистонда яшаб ижод қилувчи рус адибларидан Михаил Фёдоровнинг икки китобдан иборат «Гуломлар» повести ҳам ўзига хосдир. Бу асарда ҳозирги Ўзбекистон территориясида XI асрнинг бошларида бўлиб ўтган конкрет тарихий воқеалар акс эттирилади. Повестнинг бош қаҳрамонлари бўлмиш Мансур ва Қосим оддий деҳқон болалари, душман томонидан асирга олиниб, қул қилиб сотилади. Тарихнинг тақозоси билан уларнинг бири босқинчиларга қарши оташин курашчи бўлиб етишса, иккинчиси — саройнинг катта амалдори даражасига чиқади. Кескин конфликт асосига қурилган бу асарни ўқиган китобхон автор фантазияси воситасида ўша даврларда

меҳнаткаш халқнинг аҳволи нақадар аянчли эканлигини, шунга қарамасдан улар босқинчиларга қарши жасорат билан кураш олиб борган билан таништиради.

Афсонавий грек лашкарбошиси Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юриши халқимиз бошига жуда катта бахтсизликлар келтирган даврдир.

Искандар образи жуда кўплаб халқларнинг адабиётида учрайди. Бу образ салкам, 2 минг йил давомида халқдан-халққа, оғиздан-оғизга, асардан-асарга кўчиб, салкам пайғамбарлик либосига ўралган ҳолда бизгача етиб келди.

Бу айёр жаҳонгир ўзини тарихда қолдиришнинг эҳтиёт чораларини ёшлигидаёқ кўриб қўйган эди. У машҳур грек тарихчиларидан бир гуруҳини саройига тортиб, уларни ўзининг шахсий секретарлари — солномачилари қилиб тайинлаган ва барча ҳарбий юришларида бирга олиб юриб, нималар ёзиб қолдираётганликларини шахсан кузатиб борган. Шунинг учун ҳам машҳур грек ва рим тарихчилари Плутархнинг «Искандар таржимаи ҳоли», Квинт Курций Руфнинг «Александр Македонский тарихи», Диодорнинг «Тарихий кутубхона» асарлари, Псевдо Каллисфеннинг «Александр ҳақида романи» ва бошқалар апофеоз, яъни ҳамду сано характеридаги асарлар эди. Искандар образи шу ҳолича ғарб ва шарқ адабиётларига ҳам кўчади. Бу ҳолат ҳатто Искандар зулмини бошдан кечирган мамлакатларда ҳам кузатилади. Жумладан, Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»сида, Низомийнинг «Искандарнома», Амир Хисравнинг «Искандар оинаи жаҳони», Абдураҳмон Жо-

мийнинг «Искандар хирадномаси» ва ҳатто Алишер Навоийнинг «Искандар девори» («Садди Искандарий») поэмаларида ҳам бу лашкарбоши буюк маърифатпарвар монарх, халқи ва юрти учун қайғурувчи, илм-фан ривожи учун имкониятлар яратган, адолатли давлат соҳиби сифатида тасвирланган.

Искандар шоҳнинг ҳақиқий қиёфаси, унинг босқинчилик сиёсати, зулмкорлиги биринчи бор халқ оғзаки ижодида ўзининг объектив баҳосини олган. Ёзма адабиётда эса бу образ биринчи бор Абайнинг Искандар ҳақидаги поэмасида ўзининг объектив баҳосини олди. Абай Искандарни зулм ва зўравонликнинг тимсоли сифатида кўрсатади.

Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юриши ҳақидаги совет адабиётида яратилган дастлабки асар машҳур рус ёзувчиси Василий Григорьевич Янчевецкий — В. Яннинг «Қўрғонлардаги гулханлар» повести бўлди. «Агарда киши яшнаб турган қишлоқларни вайрон қилувчи вулқон отилиб чиқиши, мазлум халқнинг қудратли ҳокимга қарши қўзғалиши ёки ватанга номаълум ва бошвоқсиз халқнинг бостириб кириши каби фавқулодда воқеаларни кўрса, буларнинг ҳаммасини ёзиб қолдириши керак»[1]. Худди мана шу ижодий принцип машҳур рус ёзувчисини Ўрта Осиё халқлари ва унинг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган бетиним кураши билан қизиқтириб қолди. В. Ян ҳали Октябрь революциясигачаёқ Ўрта Осиёга сафар қилиб, Туркманистон ерларини қадамба-қадам кез-

[1] В. Ян. Путешествие в прошлое. «Вопросы литературы», 1965, 9-сон, 115-бет.

ди, Қора қумни кесиб ўтиб, Хевага ва ундан Шимолий Эрон, Афғонистон ва Балужистон юртлари бўйлаб Ҳиндистон чегарасигача минглаб чақиримларни отда айланиб чиқди.

Инқилобдан сўнг В. Ян Ўрта Осиёга яна бир неча бор келди. 1926 йилдан у Самарқандда яшаб, шу ерда ишлади. «Қўрғондаги гулханлар»—В. Яннинг Ўрта Осиё тарихига бағишланган биринчи йирик асари бўлиб, 1932 йилда босилиб чиқди. Повестда В. Ян совет адабиётида биринчи бўлиб Искандар Зулқарнайннинг объектив ва реал образини яратди. Бу натижага ёзувчи осон эришмади. Унинг ўзи гувоҳлик беришича, Искандар образини пайғамбарлик либосидан, уни идеаллаштирган қобиқлардан тозалаб, асл башарасини кўриб олиш осон кўчмаган.

Зеро бу грек фотиҳини илоҳийлаштиришдан босқинчи мустамлакачилар манфаатдор эди. Ҳатто бизнинг давримизда ҳам ўзларининг неоколониал сиёсатига «фатво» топиш мақсадида, улар Македонскийни улуғ маърифатчи, идеал ҳукмрон, ўзига қарам халқларнинг жонкуяр отаси, «Осиё варварларининг маърифатчи-тарбиячиси» сифатида кўрсатишга ва бу орқали ўзларини колонияларда маданийлаштирувчи, халоскор сифатида кўрсатишга ҳам уринмоқдалар.

Инглиз В. Тарн, америкалик Ч. Робинсон ва Р. Буш, француз Я. Хомо, австралиялик Ф. Шахермейер китобларида шу «даъво» сурбетларча илгари сурилади.

Шу вазиятда В. Ян яратган тарихан ҳаққоний босқинчи образи ўзининг эстетик ва сиёсий аҳамиятини сақлаб қолади. Асар ёзишга киришишдан олдин тарихий материални об-

дон ўрганган ёзувчи ўз қаҳрамони ҳақида конкрет илмий-тарихий концепцияга келади. В. Ян «Қўрғондаги гулханлар» повестида ўз қарашларини бадиий картиналарда реалистик тасвир этди. Ёзувчи золим босқинчига қарши Ўрта Осиё халқи олиб борган қаҳрамонона курашга офарин айтади, қаҳрамон халқ вакилларининг бир қатор жонли образларини усталик билан ёритади.

Тарихий қаҳрамонлик адабиётига мўл материал берадиган даврлардан яна бири Ўрта Осиёнинг мўғул босқинчилари томонидан истило қилинишидир.

Чингизхон ва унинг босқинчилик уруши ҳақида ҳамон, яъни саккиз юз йил давомида тарихий-қаҳрамонлик асарлари ёзиб келинмоқда. Аввало бу ҳақда гапиришдан олдин Чингизхон ва унинг Мўғул династияси ҳақида қисқача маълумот бериб ўтайлик. Мўғул уруғи XIII аср бошларида Днепр ва Идил (Волга) дарёларининг атрофида жойлашган бўлиб, Шарқ манбаларидан бу давлат Жўжи улуси, сал кейинроқ Ўзбек улуси деб, Ғарб манбаларида эса Олтин Ўрда деб аталган. Темучин (Чингизхон) 1155 йилда туғилган, гарчи унинг ўн ёшида отаси вафот этиб, оила бойлиги совурилиб кетса-да, ўз меҳнати ва ўта кучли қобилияти туфайли тезда ўзини ўнглаб олган. Уруғ аристократияси ва халқ оммаси ўртасида обрў қозонгач, 1206 йилги Мўғул аристократиясининг Қурултойида Темучин Чингизхон номи билан Мўғулистон ҳоқони деб эълон қилинади. У тезда мамлакат ичкарисидаги тартибсизликларга барҳам беради, қўшни давлатларни ўзига бўйсундириш, босиб олишга киришади. Йирик лашкарбошилари Жаба, Субутой ва бошқалар воситасида Эрон, Кавказ, Жанубий-Шарқий Европа, Қадимги Русь ерлари, Қипчоқ (Европа адабиётларида қўмонлар деб аталган халқларнинг бепоён Дашти Қипчоғини), Ўрта Осиё ерларини босиб олган. Шу тариқа Мўғул давлатларининг территорияси йил сайин кенгая бориб, орадан юз йил ўтгач (Чингизхон вафотидан кейин ҳам, унинг ўғиллари ва набиралари истилочиликни давом эттиришган) бу империя составига Корея, Хитой, Ўрта Осиё мамлакатлари, Эрон, Дашти Қипчоқ ва Русь ерлари кирган. Чингизхон босиб олган территорияларини ўғиллари, қариндошлари ва ўз уруғининг нуфузли кишиларига бўлиб бериб, улкан давлатини тўрт қисмга: Олтин Ўрда (ўзи яшаган, пойтахти бўлган), Оқ ўрда, Чиғатой хонлиги, Юань империяси (Хитой қисми) га бўлиб бошқарган. Аслида мўғул уруғи сон жиҳатидан камчиликни ташкил қилгани учун ҳам Чингизхон қўшинлари ўзлари босиб олган территорияларда ўз тил ва урф-одатлари таъсирини ўтказиш ўрнига аксинча, ўша ерлик аҳолининг тили, урф-одати ва турмуш тарзига мослашиб, кириша кетишган. Бу давлатнинг катта қисмини туркий халқлар ташкил қилгани учун (қипчоқлар, Эрон озарбайжони, кавказлик туркий халқлар, уйғурлар, татарлар, Ўрта Осиё халқлари) мўғуллар империясида уларнинг таъсири катта бўлган.

Оқ Ўрда аҳолиси Ўзбек улуси, Ўзбеклар деб аталган. Мўғулларнинг энг катта уруғлари — Қўнғиротлар, Манғитлар, Жилойирлар Оқ ўрданинг (эски Дашти Қипчоқнинг) маҳаллий аҳолисига қўшилиб, туркийлашиб

кетишган. Ўрта Осиёнинг Қашқадарё водийсига Еттисувдан кўчиб келган катта мўғул уруғи — Барлосларнинг ҳам тақдири шундай — тезда туркий халқлар таркибига сингиб кетган. Улар XIV асрдаёқ турк тилини ўз она тиллари деб билганлар.

Бу сингари тарихий воқеаларнинг адабиётда акс этиши ҳақида гап кетар экан, намуна сифатида В. Яннинг «Чингизхон» «Ботухон» ва «Сўнгги денгизгача» тарихий трилогиясини кўрсатиш лозим. Мўғул истилоси темасининг адабиётимиздаги ўрни ҳақида гапириб, В. Ян шундай деган эди: «Ўзига бино қўйган Гитлер Германиясининг тинч яшаб турган халқлар территориясига босқинчилик ҳаракати ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга. Айтайлик, V—VI асрларда остгот, вестгот ва вандал сингари герман қабилаларининг Рим империясини вайрон қилиши Феликс Даннинг болаларга мўлжалланган бир қатор сохта ватанпарварлик романларида «буюк арий баҳодирлари»нинг қаҳрамонона юриши тарзида кўрсатилиши Гитлер пропагандасига хизмат қилган эди. Худди шу даврларга оид бўлган мўғул истилочилиги воқеалари ва умуман шу давр совет тарихий романисти асарида энг тўғри ва объектив ёритилиши мақсадга мувофиқдир»[1].

Жасорат манбаи

В. Яннинг шахсий архивида сақланган нодир китоблар, эсдаликлар, ҳужжатлар унинг тарихий асар яратиш йўлида олиб борган катта тайёргарлигидан далолат беради. Архив материаллари орасида мўғуллар истилоси даврида шарқ тарихчилари томонидан битилган қўл ёзмаларда адибнинг кўплаб кўчирмалари сақланган. Жумладан, Ибн ал Асрнинг «Солномаси», Жузжоний Жувайнийнинг «Дунё истилоси тарихи», Форс тарихчиси Рашиддиннинг машҳур «Солномалар мажмуи», шунингдек, қадимги мўғул тарихи ва адабиётининг қимматбаҳо ёдгорликлари бўлмиш «Юракдаги достон», «Хитойдаги мўғул сулоласининг расмий тарихи» Хитой лашкарбошиси Мен Хунанинг хотиралари ноёб архив ҳужжатларидандир. «Мўғуллар истилоси» трилогиясининг биринчи романи — «Чингизхон»ни 1939 йилда ёзиб тугатган В. Ян ана шундай бой тарихий манбаларга эга эди. «Дастлаб мен анча иккиландим,— ёзади адиб ўзининг трилогия устидаги иши ҳақида,— Чингизхоннинг бутун ҳаёт йўлини яратсамми, ёки бир маълум давр ҳаётидаги эпизод билан чегаралансамми? Ниҳоят шундай хулосага келдимки, мен имкони борича унинг бутун ҳаётини ва даврини батафсил ўрганишим лозим. Лекин асарга эса совет китобхонига яқин ва аҳамиятлироқ бўлган эпизодни танлаб олган маъқул: Чингизхоннинг Ўрта Осиёнинг ҳозирги кунда совет республикалари жойлашган территориясига бостириб кириши воқеаси худди ана шундай эпизод эди»[1].

В. Ян «Чингизхон», «Ботухон» ва «Сўнгги денгизгача» тарихий трилогиясини яратиш билан ўзига Ўрта Осиё халқлари ҳаётида аба-

[1] **В. Ян.** Путешествие в прошлое. «Вопросы литературы», 1965, 9- сон, 115- бет.

[1] **В. Ян.** Путешествие в прошлое. «Вопросы литературы», 1965, 9- сон, 109- бет.

дий ҳайкал қўйди. Бу қаҳрамонлик трилогиясини яратишга тарихчи-ёзувчи ўзининг бутун умрини, билим ва иқтидорини, талантини бахшида этди. Трилогия совет адабиётида муносиб ўрин эгаллади. Афсуски, В. Ян ижоди ўзбек адабиётшунослигида жуда кам ўрганилган. Унинг бу ажойиб тарихий-қаҳрамонлик трилогияси ўзининг серқирра ғоявий ва бадиий хусусиятлари билан махсус тадқиқот объекти бўлишга лойиқ.

Ўзбек адабиётида тарихий-қаҳрамонлик мавзуининг ишланиши масаласини зукко ва билимдон, заҳматкаш ёзувчи Миркарим Осим ижодисиз, унинг ажойиб тарихий ҳикоялари ва қиссаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

«Тўмарис», «Широқ», «Искандар ва Спитамен», «Темур Малик», «Маҳмуд Торобий», «Ўтрор» каби тарихий ҳикоя ва қиссалар адибнинг шу темада яратган энг яхши асарларидир. Ота-боболаримизнинг қадим замонлардан буён чет эл босқинчиларига қарши курашиб келганлиги бу асарларнинг бош мавзуидир.

Тарихдан маълумки, эрамиздан аввалги VI асрда аҳмонийлар шоҳи Кир (Кировуш), Куруш Ўрта Осиёга бостириб киради. Ўрта Осиё аҳолиси, айниқса, Тўмарис бошчилигидаги массагет қабилалари Кирга қарши мардона кураш олиб борадилар. Кирнинг қўшини енгилиб, ўзи 529 йилда жанг майдонида ўлдирилади. Шу воқеалар Тўмарис ҳақидаги тарихий қаҳрамонлик эпосининг мазмунини ташкил этади. Афсуски, бу эпоснинг асли бизга қадар етиб келмаган, унинг мазмуни грек тарихчиси Геродотнинг (484—425) «Тарих» китобида ҳикоя қилиб қолдирилган, холос.

Миркарим Осим ана шу материал асосида массагет қабилаларининг бошлиғи Тўмарис ҳақида композицион жиҳатдан яхлит, қизиқарли сюжет асосида қурилган ҳикоя ёзган.

Асарда қадимий саҳройи аждодларимизнинг тинч, осойишта ҳаётига таҳдид солиб юрган босқинчи Эрон шоҳи Куруш (Кир) ва унга қарши курашган халқ-қабиланинг озодлик жангига раҳбарлик қилган Тўмарис лашкарлари ўртасидаги ҳаёт-мамот кураши тасвирланади.

Ҳикоя қадим массагетларнинг жонажон саҳроси, табиати тасвири билан бошланади. Бу бепоён дашт, ёввойи саҳро массагетлар ватани бўлган. Томирида массагет қони гупурган ҳар бир одам бу ерларни жон-дилидан севган, ўзини шу саҳронинг таркибий қисми деб билган. Хўш, шундай бир диёр — азамат халқнинг ватани босқинчи ёвнинг оёғи остида топталиши, ўзи эса қул бўлиши мумкинми?! Йўқ сира мумкин эмас! Муаллиф бунга китобхонни ишонтириш учун ҳикоянинг бошларидаёқ замин тайёрлаб боради. Мана бир мисол: малика Тўмариснинг паҳлавон ўғли — Сипарангиз уйланмоқда. Бу ерда муаллиф аждодларимизнинг тўй маросимларини тасвирлаб бундай дейди:

«Куёв билан келин пайт пойлаб туриб, бир-бирларининг атрофида анчагача айланиб юришди. Зарина эпчиллик билан Сипарангизга чанг солиб, уни чалиб юборди, йигит ёнбоши билан қаттиқ йиқилди-ю, лекин орқаси ерга тегмади, дарҳол сакраб туриб, олиша кетди». Шу кичкинагина деталдан кўриниб турибдики, бу элнинг йигит-қизлари бир-биридан қолишмайдиган даражада эпчил, дов

юрак ва шижоатли. Мана шундай халқнинг юртига Куруш бошлиқ Эрон лашкарлари бостириб келишади. Бу халқни жанг билан бўйсундиришга кўзи етмаган душман найранг йўлига ўтади ва Сипарангиз бошлиқ бир қанча дов юрак йигитларни асир олади. Сипарангиз номусга чидай олмай, ўзини-ўзи ҳалок қилади. Шериклари ҳам ҳалок бўлишади. Бу шум хабар Тўмарисни ва болалари душман қўлида ҳалок бўлган бошқа оналарни даҳшатга солади. Улар: «Қайғу-ҳасратнинг давоси — душмандан ўч олиш» деб биладилар.

Миркарим Осим ўз ҳикоясида аждодларимизнинг жасоратларини тасвирлар экан, аёлларимиз матонати, фаҳм-фаросати ва олижаноблигини ҳам кўрсатади.

«Йигитлар орасида қизлар, аёллар бўлганида бу фалокат бошимизга келмас эди,— дейди бир кампир йигитларнинг душман ҳийласидан қирилиб кетганидан изтиробга тушиб,— Миҳра аёлларни куч-қувватга тўлган вақтида фаҳму фаросат ёрдамида яратган Сипарангиз қўшинида қизлар бўлганида йигитларнинг қўлидан май косасини уриб туширар эди...»

Ҳамма ишда бўлгани каби юртнинг бошига тушган фалокатни даф этишда ҳам Тўмарис бошлиқ аёллар фидокорлик кўрсатишади.

— Опа-сингиллар, ака-укалар,— дейди Тўмарис ўз лашкарларини жангга олиб кираётиб,— қаерга кетаётганингизни ҳаммангиз биласиз. Шу кетганимизча ё ҳаммамиз битта қолгунча қирилиб, ўз қонимиз билан шаънимизга тушган доғни ювиб ташлаймиз ёки душманни қириб юбориб, ғалаба билан қайтамиз. Ишонаман, орамизда Эрон шоҳи ол-

дида тиз чўкадиган номард йўқ. Биз албатта енгамиз. Шафқатсизликни биздан кўрсин Эрон шоҳи!»

Ёзувчи ёвузликка қарши умумхалқ курашини тасвирлар экан, жон-жаҳонидан кечган, Ватан ва унинг озодлигидан бўлак мақсади бўлмаган қабиланинг жанги манзарасини шундай чизади: «...сафлар бир-бирига аралашиб кетди. Қилич ва найзаларнинг бир-бирига тарақлаб тегиши, жангчиларнинг сурони, отларнинг кишнаши, яradорларнинг инграши бирга қўшилиб, қиёмат-қойим бўлиб кетди. Одамлар ғуж бўлиб олиб, бир-бирига найза санчар, болта билан бошига туширар, қилич билан чопар эди. Жанг шу зайлда кечгача давом этди. Ўз ерларини ёвдан тозалаш ва ўч олиш иштиёқи билан ёнган массагетлар жонбозлик кўрсатиб, ёв билан мардларча олишишди, ниҳоят, зафар уларга ёр бўлиб, душманни орқага сура бошлашди. Зарина бошчилигидаги отлиқ қўшин душманнинг чап қанотини синдириб, орқага ўтиб олди. Бир тепалик устида жангни кузатиб турган Қайхисрав қилич ялангочлаб, навкарлари билан жангга шошилди, бироқ, у биринчи тўқнашишдаёқ ҳалок бўлди...» Кўриниб турибдики, асарда айрим ҳаётий деталларни мустасно қилганда, автор асосан бадиий картина яратиш, характерларни тўқнаштириш, уларнинг руҳий дунёсини чуқур очиш ўрнига асосан воқеаларни баён қилади.

Халқ иродаси, озодлик туйғуси ғалаба қилди! Лекин гап фақат шу ғалабадагина эмас, балки ғалабадан келиб чиқадиган мантиқ-хулосада. Адиб тарихий воқеаларга гўзал либос кийгизади. Интиқомни халқона афористик

якунга бўйсундиради. Ҳамма иш битди. Тўмарис ғалаба қилди. Массагетлар ўз юртларини катта қурбон эвазига бўлса-да, душман ҳужумидан асраб қолишди. Тўмариснинг келини Зарина Курушнинг калласини олиб келиб қайнанасига беради.

«Энди бир мешга қон тўлдириб келинглар,— дейди Тўмарис лашкарларига.

Жангчилар дарҳол маликанинг буйруғини бажо келтирадилар.

Тўмарис соч ва соқолига қон ёпишиб, қотиб қолган, кўзлари юмуқ, даҳшатли каллани қўлига олиб, унга қаради-да:

— Эй Куруш, умр бўйи жанг қилиб, одам қонига тўймадинг, мана энди тўйгунингча ич!— деб уни меш ичига солди-да, оғзини чилвир билан маҳкам боғлаб қўйди...».

Асар хулосасида ўқлоғли *милтиқ отилади* ва энг муҳими — *бу ўқ нишонга тегади*. Китобхон қалбида *ёвузликка, қонхўрликка* қарши туйғуларга ҳаётий тус беради. Тинчлик, адолат, ватанпарварлик, озодликка муҳаббат туйғуларини алангалатади.

Миркарим Осим қаламига мансуб бўлган яна бир ўлмас қаҳрамон Широқ образидир. Бу асарнинг қисқача мазмуни грек тарихчиси Полиен (эрамиздан аввалги II аср) нинг «Ҳарбий ҳийлалар» китобида ҳикоя қилинган.

Шармандаларча маглубиятга учраган Куруш (Кир) қўшинларидан кейин яна бир босқинчи Эрон шоҳи Доро I (521—458) Ўрта Осиё тупроғига қўшин тортиб келади. 513 йилда Доро I га қарши шак қабилалари қўзғолон, кўтарадилар. Шу кезларда эли, юртининг озодлиги ягона мақсади бўлган Широқ деган

довюрак чўпон йигит ҳийла ишлатади. Ўзининг қулоқ-бурнини кесиб, душман орасига киради-да, «ўз одамларим мени жазолашди, уларни сизларга тутиб бераман», деб алдаб, сувсиз саҳронинг ичкарисига олиб кириб кетади ва душманни ҳам, ўзини ҳам ҳалок қилади. Қадимги грек тарихчиларининг берган маълумотларига қараганда, қаҳрамон Широқ қўллаган тактикани Ўрта Осиёликлар македониялик Александр қўшинларига қарши ҳам ишлатган эканлар.

Эфталит эпосида ҳам душман устидан ғалаба қозониш учун ўзини ҳалокатга маҳкум этган Зопир образи яратилган. Шунга ўхшаш воқеани Беруний ҳам ёзиб қолдирган.

Миркарим Осимнинг қаҳрамони оддий чўпон Широқ ватандош аждодларимизнинг қаҳрамонлик, ватанпарварлик хислатларини ўзида умумлаштирган образдир. Широқнинг жасоратини тасвирлар экан, Миркарим Осим қалами ўлик фактларга жон ато этади. Хира тарихий қаҳрамонлар бор бўй-басти, хулқ-атвори билан китобхон қаршисида намоён бўлади. Улар ўзи туғилиб-ўсган қир-адирлари, касб-корлари, урфу одатлари билан, саҳройи мард, танти табиатлари билан ўқувчи қалбига кириб борадилар. Оддий бурчлари, одатдаги курашлари — қаҳрамонликлари билан шу оддий одамлар кўз ўнгимизда буюк ватанпарвар қиёфасида гавдаланадилар. Шу жиҳатдан қараганимизда, Миркарим Осим асарлари тарихий ҳаққонийлиги билан киши диққатини ўзига тортади. Уларда тасвирланган воқеалар жойлари ва саналаригача аниқ кўрсатилган. Лекин бу адиб тарихий воқеа-ҳодисаларни эҳтиросиз, жўнгина баён қил-

ган, деган гап эмас. Аксинча, ёзувчи бадиий сўз ёрдамида воқеаларнинг асл моҳиятини чуқурроқ кўрсатишга эришади. Адибнинг асарларини ўқир экансиз, танқидчи Маҳкам Маҳмудов М. Осим ижоди ҳақидаги мақолаларидан бирида таъкидлаганидек, «ўзингизни гоҳ муҳим воқеаларни таҳлил қилувчи тарихчи билан, гоҳ маҳоратли санъаткор билан суҳбатлашаётгандек ҳис қиласиз. Адиб гоҳ чанг босган нодир китобларни варақлайди, гоҳ қўлига мўйқалам олиб, чиройли манзаралар чизади»[1].

Қаҳрамонлик темасидаги асарларда ижобий қаҳрамон масаласи жуда баҳслидир. Бизга маълумки, ўтмиш адабиётимизда урушларнинг ҳақиқий қаҳрамони—ҳал қилувчиси —бу оддий халқ, унинг қудратли ватанпарварлик руҳи эканлиги бирданига англаб олинмаган. Шунинг учун кўпгина асарларда урушнинг, мамлакатнинг тақдирини ҳал қилувчилар — подшолар, лашкарбошилар, айрим тарихий шахслар қилиб кўрсатилиб, халқ эса иккинчи планда — ёрдамчи сифатида тасвирланади.

Қаҳрамонлик темасидаги асарларда вақт ўтиши билан халқнинг роли аста-секин мустаҳкамланиб, тобора кенгроқ, ўрин ола борди. Тарих ижодкори ҳам, мамлакат бошига оғир кун тушганида она-Ватан ҳимояси учун бўлган урушларнинг ҳақиқий қаҳрамони ҳам халқ эканлиги бундай асарларда кенг тасвирлана бошлади.

«Искандар ва Спитамен» ҳикоясида адиб македониялик истилочи Александрнинг босқинчилик юришларига қарши курашга отланган Спитамен бошлиқ аждодларимиз ҳақида ҳикоя қилади. Бу ҳикоя аввало тарихда жуда катта из қолдирган афсонавий лашкарбоши Искандар Зулқарнайн ҳақида ўқувчига қимматли маълумотлар бериши билан характерлидир.

Искандар ўз қўшинлари билан дунёнинг анчагина қисмини босиб олган. Ана шу истилочининг Ўрта Осиё халқлари бошига солган кулфатлари, унинг ғалабаси, мағлубиятга учраши сабаблари «Искандар ва Спитамен» ҳикоясида яхши очиб берилган.

Спитамен—халқ орасидан чиққан лашкарбоши. У ўз атрофига душман зарбасидан гангиб қолган аҳолини тўплаб, қасоскорлик жангларига тайёрланади. Кўпгина жангларда қасоскорларнинг қўли баланд ҳам келади. Искандар Спитаменнинг зарбаларидан жиддий талофотлар кўради.

Пировардида, Искандар ҳарбий тактикага усталиги ва лашкарининг кўплиги учун Самарқанд яқинида бўлган ҳал қилувчи жангда Спитамен қўшинларини енгиб, қолган-қутганини чўлга қувиб юборади.

Спитамен яна озодлик курашига тайёрлана бошлайди. Лекин унинг хотини душман хизматида бўлган отасининг қутқуларига учиб, Спитамен ухлаб ётганида калласини кесади ва Искандарга етказади...

Миркарим Осим тарихий тафсилотларни силлиқ ва равон баён этади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, ҳикояда кутилган драматик ҳолатлар, оғир психологик жараёнлар баъзан шунчаки баён билан алмашинади. Асар композицион жиҳатдан ҳам яхлит эмас. Спи-

[1] «Шарқ юлдузи» 1967, 10-сон.

тамен ҳалокатидай сўнг Искандарнинг Равшанакка уйланиш эпизодининг асар учун ҳеч қандай қиммати йўқ. Қолаверса, Спитаменнинг ўлдирилишини автор ўз ҳикоясида чуқур бадиий далиллаб берган деб бўлмайди.

Миркарим Осим баъзан Геродот ва Бартольдга сўзсиз эргашгани учун баъзи тарихий ҳикояларида образларнинг тўлақонлигига путур етган. Бу фикр хусусан унинг «Искандар ва Спитамен», «Маҳмуд Торобий» ҳикояларига тааллуқли.

Маҳмуд Торобий сингари Темур Малик ҳам Чингизхон босқинчи галаларига қарши курашга отланган халққа бошчилик қилади. Автор шаҳар ҳокими Темур Маликни очиқ кўнгил, лекин қаттиққўл йўлбошчи қиёфасида кўрсатади.

Ўтрор — юрт қалъаси

Совет қуролли кучлари қарши ҳужумга ўтиб, фашистлар Германиясини ўз уясига қувиб кираётган 1944 йилда М. Осим ўзининг «Ўтрор» номли тарихий қиссасини ёзиб тугаллади. Повестдан айрим парчалар ўша йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида, шунингдек, фронт газеталарида эълон қилинди. Адиб ўз асарини нашрга топширишдан олдин Ойбек, шунингдек, уруш йиллари Тошкентда истиқомат қилиб турган йирик рус ёзувчи ва олимлари муҳокамасидан ўтказди. Уларнинг амалий маслаҳатларига қулоқ солди. 1945 йили, жумладан профессор Е. Э. Бертельс бу повесть ҳақидаги тақризида қуйидаги фикрларни билдирган эди:

«Миркарим Осимовнинг «Ўтрор» деган тарихий повести унинг Ўзбекистон халқлари тарихидан олиб ёзилган олдинги повесть ва

новеллаларидан бири бўлиб, бу асар ҳам ўзининг қатор ижобий фазилатлари билан диққатга сазовордир. Асар жонли тилда, жуда қизиқарли ёзилган. Адиб XIII аср воқеаларини етарлича аниқлик билан ёрита олган. Унча катта бўлмаган бу повесть, менимча, бундан кейин ўзбек ўсмирларининг севимли китоби бўлиб қолади. Ёш авлоднинг ўз она диёри тарихи билан чуқурроқ танишувларига имкон беради»[1].

Тарихдан маълумки, қадимий Фороб шаҳри ўрта асрларга келиб Ўтрор номини олган. Бу шаҳар Сирдарёнинг ўнг соҳилида Темур станцияси яқинида бўлиб, мўғуллар келгунга қадар Ўрта Осиёнинг йирик маданий марказларидан бири эди. Мўғул босқинчилари даврида Ўтрор вайронага айланган ва йўқ бўлиб кетган.

Чингизхон ҳужум қилган пайтда Ўтрор қалъаси Мовароуннаҳр билан Туркистон ўлкасини бирлаштирган Хоразмшоҳ давлатининг шарқий «дарвозаси» эди. Дарвозанинг қўлдан кетиши мўғул босқинчилари истилосининг муваффақиятини таъминлаши мумкин эди. Қалъани Инолчиқ (Инолхон) бошлиқ халқ ҳимоячилари жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилдилар. Тўғри, бадиий асарга тарихий фактларнинг ўзи тайёр материал бўлолмайди. Ёзувчи унга бадиий сайқал бериши керак. Тарихий манбалардан маълумки, бундан қарийб 700 йил муқаддам Муҳаммад Хоразмшоҳ Ўтрорга ўз тоғасининг ўғли Инолчиқни ҳоким қилиб тайинлаган. Инолчиқ эса шаҳар

[1] Бу тақриз Миркарим Осимнинг шахсий архивида сақланмоқда.

аҳолиси билан бирга мўғул босқинчилар
нинг йўлини тўсган. Бадиий асар ёзиш уч
шунинг ўзи етарлими? Адиб тарихий ре
шахслар ёнига қатор бадиий тўқима обра
лар қўшади, душманга қарши умумхалқ и
раши иштирокчиларининг вакиллари бўлга
персонажларни яратади. Зотан, «Ўтрор» қи
сасининг қаҳрамони ҳам мўғул истилочилар
га қарши курашга отланган халқ эди. Тар
хий темада асар ёзувчи адибнинг меҳнати
заргар меҳнатига қиёс қилса бўлади. Ад
муайян давр ҳақида асар яратар экан, ўш
даврга хос бўлган шароитда характер ва ти
лар яратади. Бу ўринда санъаткор адабиё
нинг тарихийлик принципига қатъий амал қ
лади.

М. Осим мана шу заҳматни бир умр б
шидан кечириб келаётган билимдон ва с
ботли ижодкор. Унинг хаёли кенг, фантази
си чуқур ва равшан. Танқидчи И. Ғафур
ёзганидек: «Миркарим Осим ўз ҳикояларид
(қиссаларида ҳам — М. С.) тарихий тасаввур
ларида фозил ва билимдон, юксак тил маҳ
ниятига эга бўлган ижодкор сифатида кўр
нади. У тарихий тафсилотларини хаёлий, амм
айни чоқда ҳақиқатга яқин манзаралар би
лан бойитишга моҳирдир. Унинг тарихий во
қеага сингдирилган «тўқималари» шу воқеан
чиройли қилиш, уни сунъий суратда таъсир
чан этиш, безатиш «зирак тақиш» мақсадид
эмас, айни шу воқеани бойитиш, уни янад
ибратлироқ, янада жозибалироқ чиқариш
қаратилган»[1].

[1] **Иброҳим Ғафуров.** Жозиба. Ғафур Ғулом номи
даги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1970.

«Ўтрор» қиссасида адиб тарихий материал
ни бойитиш, ҳаётийлаштириш, адабийлаш-
тириш учун унга «либос кийгизади». Бу ли-
босни тарихнинг ўзидан, ўша замондан олади
Қулиназар мингбоши Инолчиқ ҳокимга шах-
сий навкар топиб келиб, кўрсатиш саҳнаси
билан асар бошланади. Қулиназар топиб кел-
ган навкар — халқ орасидан чиққан соддадил,
лекин довюрак Темиртош образи тарихий
шахс эмас, балки адиб фантазиясининг маҳ-
сулидир. Бу образ қисса ғоясининг очилишига,
халқ жасоратининг кенг кўламда ифода-
ланишига ҳисса қўшади ва шу билан бирга
Инолчиқ характерининг ёркин ёритилишида
асосий роль ўйнайди.

Темиртош образи орқали хунрезлик урушининг бегуноҳ қурбонлари бўлган халқ фожиаси очиб берилади. У шаҳар мўғуллар томонидан қамал қилина бошлаганида ўз онасини ҳам шаҳар ташқарисидаги ҳовлидан шаҳар ичкарисига, душман ҳужумидан холи қалъага олиб келишга уринади. Онаизор ўз ҳовлисини, тер тўкиб, парвариш қилган мевали дарахтларини кўзи қиймайди. Ҳатто у ўғлини шундай боғ-бўстонни ташлаб кетиб, юртини душманга бериб қўяётганликда айблайди. Лашкарлардан норози бўлади, уларни қўрқоқлар, деб атайди. Қалъага бормасликка асосли далил ҳам топади:

«Менга ҳеч нарса бўлмайдур,—деди кампир ўзига ишонган ҳолда, сен ўлдирадур, дейсан, кампирни ўлдириб шохи чиқадурми мўғулнинг, ахир кофирларнинг ҳам онаси бордир».

Бу мантиқли асос олдида Темиртош бўйин эгади. Онасини қолдириб қайтади. Кампир

воситасида мўғулларнинг ёвузлиги, шафқатсизлиги очиб берилади. Улардан бир гуруҳ боғнинг лаззатли меваларидан тотиб, қорин-лари тўйгач, қиличбозликдаги маҳоратларини бир-бирларига кўрсатиш мақсадида ёш дарахтларни кеса бошлашади. Ўғли бир дона мевасини ҳам оғзига солмаган, не машаққат-лар билан вояга етказган дарахтларига жон ачиган кампир қилич зарбига дуч келиши лозим бўлган навбатдаги дарахтни кўкси билан тўсади. «Қиличбоз» мўғуллар бир зарбда шу дарахтни кампир билан бирга чопиб туширо олишга гаров боғлашади. Эвазига шу кампир-нинг оппоқ сочли бошини совға қиламан, дейди бир мўғул. «Қиличбоз»лардан бири гаров-да «ютади».

Бу даҳшатли манзарани тасвирлаш билан адиб халқнинг ўз ватанига, унинг ҳар бир гиёҳига беқиёс меҳрини, зулм ва хунрезликка нисбатан ўткир нафратини жонли кўрсата олади.

Темиртошнинг ўз маҳбубаси Менглиойга бўлган бебаҳо севгиси, Менглиойнинг мўғул қўлига тушишдан қочиб, ўзини алангага отиб ўлиши каби эпизодлар ҳам истилочилик фожиасини янада равшанроқ ифодалайди.

Адиб конфликтни замонга хос мураккаб ситуациялар билан бойитади. Хоразмшоҳ томонидан Инолчиқ қўшинларига ёрдам сифатида юборилган лашкар бошлиғи Қорача Ҳожиб образи Ўтрор фожиаси сабабларини очиб беришга восита бўлади. Бойлик ва катта ваъдаларга учган, юрагида ватанпарварлик ҳиссидан нишон ҳам бўлмаган бу сотқин мўғул айғоқчилари билан хуфия «музокара» олиб боради. Катта бойлик берилишига ваъда олгач, ўз лашкарлари билан душман томонига ўтади.

Инолчиқ — ўз ватанига босқинчи истилочиларнинг манфур юришларига қарши отланган қаҳрамон халқнинг мутасаддиси. У Муҳаммад Хоразмшоҳ уруғидан. Лекин ҳоким халқ иродасининг ўз тор зодагон уруғ-авлодлари маслакларидан устун ва мустаҳкамлигини тўғри ҳис қилади. Ҳокимлик тажрибасидан келиб чиқиб, халқ орасидан чиққан лашкарбошиларни, навкарларни мулозимларни қадрлайди. Уларнинг садоқатига ҳақли равишда ишонади. «Моҳир саркарда, жасур ва иродали жангчи бўлган» бу шахсда давлат арбобига ярашмайдиган қизиққонлик, сабрсизлик хислати бор эди. Автор Инолчиқнинг ижобий хислатлари билан бирга унинг барча мураккаб характерли инсон зотига хос бўлган ожиз томонларини ҳам таъкидлаб ўтади ва асар давомида унинг йўл қўйган катта-кичик хатоларини ҳам бадиий далиллаб, асослаб беради, «...ҳар бир тарихий шахс... айни замонда оддий бир одам, бошқалар каби севадиган, нафратланадиган, дардланадиган ва суюнадиган, орзу ва умид қиладиган одам»[1] эканлигини диққат марказидан қочирмайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, «...уни, тарихий шахсни — бизга фақат тарихий кўрик мундирида эмас, балки чопон ва қалпоқ остида ҳам кўрсатади»[2].

Чингизхон томонидан «савдогарлик ва

[1] В. Г. Белинский. Танланган асарлар. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, Т., 1955, 178- бет.
[2] Ўша жойда.

тинч қўшничилик ўрнатиш» ниқоби остида юборилган «элчилар ва савдогарлар»ни Муҳаммад Хоразмшоҳ гарчи мўғул ҳоқони уни «ўғлим», деб атаган бўлса-да, катта совғаларини кўриб жаҳлидан тушади. Уларнинг аксари бухоролик, ўтрорлик, хоразмлик, хуллас, ўзининг фуқоролари бўла туриб, ёв подшодан элчи бўлиб келганларини оғрииб бўлса ҳам ҳазм қила олади. Инолчиқда бу хусусият йўқ. Хоразмшоҳ саройи соқчиларининг бошлиғи, тарихий қаҳрамон Темур Малик сингари у ҳам элчи Маҳмуд Ялавоч — хоразмлик, Алихўжа — бухоролик, Юсуф — ўтрорлик бўла туриб, бегона подшонинг хизматига киргапларидан, бунисн ҳам етмагандек, унинг элчиси бўлиб, сурбетлик билан музокара олиб бораётганларидан ғазабга минади. Айниқса, савдогар—элчиларнинг айғоқчилик ишларини, давлат ва ҳарбий сирларни сўраб-суриштириб юришганини сезиб қолган Инолчиқ ғазабига чидолмайди. Бу сотқинларнинг ҳаммасини ҳибсга олишга буюради. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғли, халқ қаҳрамони Султон Жалолиддин Мангубердининг вазири ва шахсий тарихчиси Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий ўзининг «Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўли» номли тарихий асарида Миркарим Осим қиссасига материал бўлган тарихий воқеа-ҳодисаларни атрофлича, батафсил, хронологик тартибда, тарихий аниқ баён этиб берган (Миркарим Осим қиссасининг асосий материаллари худди шу манбага кўп жиҳатдан мос келади). У Утрор ҳокими Инолхоннинг бу қилмишини (яъни Чингизхондан элчи бўлиб келган савдогарларнинг ўлдирилишини) қаттиқ қоралайди. Яна уни

элчи-савдогарларнинг қимматбаҳо моллари-ни талашда ҳам айблайди[1].

Гарчи бу факт ўша давр кишисининг кундалик ҳодисага муносабати ҳисобланса-да, мантиқ нуқтан назаридан асосли эмасдир. Чунки, Чингизхон қўшинлари елиб юрган шамол эди. Унинг нияти бутун дунёни ўз империясига айлантириш, тиз чўктириш бўлиб, барибир эртами-кечми унинг қўшинлари Хоразмшоҳ мамлакатига ҳужум қилиши муқаррар эди. Миркарим Осим ўз асарининг қаҳрамони Қулназарнинг тили билан образли қилиб айтганидек, «Инолчиқ Мағриб сари келаётган ёввойи мўғул отига бир қамчи урди-ю, унинг юришини тезлаштирди, холос»[2].

Ўз вақтида В. Г. Белинский тарихий шахсларни тасвирлаш ҳақида гапириб, мазкур шахслар образлари асосий моҳиятининг юзага чиқишини таъминламайдиган баъзи хусусиятларини эътибордан четда қолдиришнигина эмас, балки айрим анахронизм ҳамда воқеаларни «бузиб» кўрсатишга ҳам йўл қўйиш мумкин эканини қайд этган эди.

Миркарим Осим «Ўтрор»да танлаган йўл буюк танқидчи В. Г. Белинскийнинг юқоридаги таърифига мос келади.

Қиссада Чингизхон образи анча ёрқин ва эсда қоларли чиққан. Унинг буюк саркарда-

[1] Шихаб ат-Дин Муҳаммед ан-Насави. «Жизнеописание султана Джалал ат-Дина Манкбурни. Изд-во «Элм», Баку, 1973, 77—81-бетлар.

[2] М. Осим. Жайҳун устида булутлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1975, 92-бет.

ларга хос тадбиркорлиги, жанг учун муҳим ҳисобланган ҳар бир ҳодисага жиддий қарайдиган, ноёб хотира эгаси, билимдон ва ҳийлакор ҳоким эканлиги ишонарли деталлар воситасида кўрсатиб берилган.

Адиб Чингизхоннинг ўғиллари ўртасидаги келишмовчиликларни ҳам ҳаққоний ифодалаган. Бу бадиий ҳақиқат жаҳонгир лашкарбошининг миллионлаб одамларнинг қонини тўкиб, барпо қилган империяси тез орада инқирозга юз тутиши билан тасдиқланди.

Асарда бошдан-оёқ ўтрорликларнинг майда-чуйда мағлубиятларидан тортиб энг улкан фожиаларигача бадиий мантиқ асосида чизиб бериларкан, мана шу воситада, яъни мағлубият ва унинг сабабларини бадиий тадқиқ этиш билан адиб китобхон қалбига оташин ватанпарварлик туйғусини сингдирадики, асар ғоясининг улкан муваффақияти ҳам мана шунда.

Чиғатой, Уктой ва бир неча эпизоддагина кўрсатиб ўтилган ёш Ботухон образлари ҳам ўз характер эътибори билан Чингизхон тарбиясини олган уста жангчи-лашкарбошиларга хос хислат эгалари ва айни пайтда ота-боболаридай, ваҳший ва аёвсиз шахслар сифатида тарихий ҳаққонийлик билан ёритилган. Адиб улар характеридаги мардлик ва ваҳшийлик, ҳарбий тадбиркорлик ва босқинчи-шовинистлик жиҳатларини бор мураккаблиги билан ифодалаб, бу образларнинг жонли ва ишонарли чиқишига эришган.

Миркарим Осим 60-йилларнинг бошларида ўз қиссасининг тарихий ҳаққонийлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида қадим Утрор харобаларига сафар қилди. Вайрона

шаҳарни ўйчан кезган адибнинг хаёлидан 700 йил олдинги даҳшатли манзаралар, отлар дупури, жанг-жадаллар бирма-бир ўтаркан, асарига айрим ўзгартишлар, тузатишлар киритишга қарор қилди. Бу ўзгаришлар натижасида айрим саройлар, шаҳар дарвозаларининг номлари, Ўтрор шаҳрининг ўзига хос оригинал архитектураси тасвири асардан биринчи марта жой олди. Фақат бугина эмас. Ёзувчи қиссасининг тарихий реал манзараларидан ташқари сюжет чизиғидаги қаҳрамонлар характери ривожига таъсир кўрсатмайдиган айрим «салқи» ўринларни «қирқди». Асар сўнгги воқеаларини мутлақо янгилади. Натижада қисса охиридаги бадиий тўқима образ — Темиртошнинг мўғулларга қарши курашиб ҳалок бўлиши эпизоди ўрнини тарихий реал шахс Инолчиқнинг босқинчиларга қарши сўнгги жанги ва унинг бу нотенг курашда душман қўлига асир тушиши эпизоди эгаллади. Адиб хотимани икки йирик лашкарбоши — Чингизхон ва Инолчиқ диалоги, яъни мўғул хонининг ўз рақиби жасоратига қойил қолиб уни ўз қўшинига — катта амалга таклиф қилиши, Инолчиқнинг нафрати ва Чингизхонининг Инолчиқни ваҳшиёна (қулоғига кумуш эритиб қуйиб) ўлдириш эпизоди билан тугаллаб, мантиқан тўғри иш қилди. Бу билан асарнинг тарихий ҳаққонийлиги ва бадиий таъсирчанлиги янада ошди.

Асарнинг Ўтрор шаҳри тарихий манзараларига бағишланган пейзажлари, эпизодик образлар тасвирига бағишланган боблари, умумхалқ жасоратини улуғлаган қисмлари катта илҳом билан ёзилган. Асар компози-

ция яхлит, бадиий жиҳатдан мукаммал чиққан.

Умуман олганда, «Ўтрор» қиссаси Миркарим Осим ижодидагина эмас, шунингдек, ўзбек адабиётида тарихий повесть жанрининг тугилиши ва шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Тарихий-қаҳрамонлик мавзуи сўнгги давр ўзбек адабиётининг энг кенжа авлоди — ёш ёзувчилар ижодидан кенг ўрин олаётганлиги айниқса қувончли ҳолдир.

Маҳкам Маҳмудов, Зоҳир Аълам, Анвар Эшонов каби прозада анчагина қалами қайралиб қолган адиблар, шунингдек, Хайриддин Султонов, Алишер Ибодинов, Исфандиёр, Мирзапўлат Тошпўлатов каби ёш ижодкорларининг бир қатор ҳикоя ва қиссалари аждодларимиз жасоратидан, уларнинг Искандар қўшинлари, араб, мўғул истилосига қарши олиб борган мардонавор курашидан сўз юритади. Мирзапўлат Тошпўлатовнинг «Бероом тўлқинлар» ҳикояси Муқанна қўзғолонининг охирги кунларини драматик манзараларда акс эттирса, Алишер Ибодиновнинг «Қуёш ҳам олов» ҳикоясида ҳали адабиётимизда кам ёритилган давр — VIII асрнинг ўрталарида араб босқинчиларининг Ўрта Осиё ерларига бостириб кириши ва бу истилога қарши халқ норозилиги, кураши ўз аксини топган.

Исфандиёрнинг «Тринтих» («Учлик») туркумига кирган «Тонг юлдузи» («Чўлпон») ҳикояси қадимий аждодларимизнинг фикр, эътиқод эркинлиги учун курашидан қизиқарли ҳикоя қилса, шу туркумдаги «Оллонинг бандаси» ҳикоясида улуғ хаттот Ибн Мауд жасорати қаламга олинади.

Талантли ёзувчи Зоҳир Аълампинг «Ўсма кетар, қош қолар» ҳикоясида (асар ҳажми, проблематикаси ва образлар тасвири билан қиссага яқинлашади) араб фотиҳи Қутайбанинг Ўрта Осиё, хусусан Бухорога тўртинчи юриши ҳақида сўз юритилади. Воқеа VIII асрнинг бошларида содир бўлади. Қутайба ҳар келганда, Бухоро халқи исломни қабул қилар, лекин у қайтиб кетиши биланоқ яна ўз динига қайтарди. Қутайбанинг бу тўртинчи келишидан мақсади — қурол ва даҳшат кучи билан ерли халқ юрагидан эътиқодини ва динини суғуриб олиш. Ёзувчи Қутайбанинг ислом динини ўзга халқларга сингдиришга бу тариқа зўр бериб уринишининг сабабларини, босқинчини ҳаракатга келтираётган ички кучни ҳам ёркин кўрсатади: «Энди кучга тўлган, шуҳратталаб бу одамга халифатдаги олий табақа зодагонлар паст назар билан қарашарди. Шунинг учун ҳам у — оддий туякашнинг набираси бўлган Қутайба — уларни ёмон кўриб қолган. Энди у қасд олмоқчи: уларни тарих саҳнасидан суриб ташламоқчи. Бунинг бирдан-бир йўли янги ерларни забт этиш, мусулмончиликни кенг тарқатиш эканлигини энди у англаб етганди.

Қутайбадек оддий туякаш набирасининг бундай олий мансаблардан бирига кўтарилишининг боиси, унинг дунёни тўғри тушунишида, нарсаларни ўз номи билан аташида эди. Ундан олдин Бухорога келган саркардалар бойлик, ўлжа ва бу оқбадан халқлардан чиройли қуллар олиб кетиб, халифага тортиқ қилиш билан чекланардилар. У эса,

йўқ!.. Бу билан чекланмайди. Ўлжаларга қўшиб парчаланган бу мамлакатнинг ўзини тортиқ қилади. Ва бу билан у, ҳеч иш қилмай юрадиган ўша кибру ҳаволи аслзодалардан, ҳатто халифаларнинг баъзиларидан ҳам ўзининг устунлигини кўрсатиб қўяди, тарих саҳифасидан мустаҳкам ўрин олади. Ҳа, тарихда эгаллаган лавозимлар эмас, қилинган ишлар қолишини у жуда яхши англаганди...»

Ана шундай улкан ниятлар билан Ўрта Осиёга босиб келган Қутайба бу ишнинг осон кўчмаслигини ҳам сезади. Чунки у турк халқини, унинг қаҳрамонлигини билади ва бунга тан беради: «Буларнинг Искандар Макдунийга, форс шоҳлари Доро ва Кайхисравга берган зарбаларини муаррихлар оғиз кўпиртириб мақтаб кетганлар.— Қутайба ўйга толди.— Ҳа, бу халқ курашда ҳаммадан ҳам жасур». Лекин — Қутайба ўта маккор лашкарбоши. Турк қўшинларидан қаттиқ талафот кўриб, унинг ниятларига куч билан эришишга ишончи йўқолгач, ҳийла ишлатади. Рақибларининг заиф томонларини қидиради ва топади ҳам. «Аммо халқнинг ана шу жасурлиги манманлик туғдиради ва уларнинг ҳар бир мавзеси ўзига халифат тузмоқчи бўлади. Бир мавзесига иккинчиси ишонмайди»,— ўйлайди Қутайба. Қутайба ишонган яна бир имконият бу халқнинг баъзи бошлиқлари ўртасидаги тарқоқлик, манманлик, ўз тинчини ўйлаб, халқини асоратга солишга ҳам тайёрлигидир. Босқинчи мана шу заиф ўрнига қилич уришни мўлжаллайди. У мана шундай бошлиқлардан бирини топишни айёр қўмондони Набатийга топширади. «Бизга ўз йўли, иззат-нафси бўлмаган, айтганимиздан бошқага фаҳми етмайдиган,

номигагина маҳаллий бўлган шахс керак»,— тайинлайди Қутайба.

Бундай шахс Бухоро шоҳининг ўзи — Тоғшода бўлиб чиқади. У ўз ҳамюртлари ва маслакдошлари Варданхудот, Кучтегин ва Бойзоқлар билан бирлашса, катта куч бўлишини ва босқинчини янчиб ташлаш мумкинлигини ҳис қилади. Лекин, айни пайтда, ғалабадан сўнг Варданхудот тахтга даъвогар чиқиб қолишини ўйлаб, эти жимирлаб кетади. Кимнинг дини, тили ҳукмрон бўлишидан қатъи назар, ўзининг айш-ишратда яшашига шароит муҳайё бўлса бас, деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам Қутайба шартларига қарши чиқиб, янги куч тўплаш учун Бухородан чиқиб кетаётган қаҳрамон Бурслон ва унинг йигитлари хатти-ҳаракатини, мақсадини Тоғшода ҳеч тушуниб етмайди. Чунки «Тоғшода ушлаб еб, лаззат олса бўладиган моддий неъматларни ташлаб буларнинг акси — ушлаб, еб бўлмайдиган, номаълум, ҳавойи нарса — эътиқод ортидан бораётган кишиларни тушунолмасди». Баҳодир, Бурслон асарда халқининг чинакам содиқ фарзанди сифатида ёлда қолади. У ўз эътиқоди, тили, динини бошқа ҳеч бир нарсага алмаштира олмайди. Босқинчи миллатни оёқ-ости қилаётганини тинч кузатиб тура олмайди: «Бухородаги ишларни кўрганимда қўлим кунига юз марта қиличга югуради. Келгиндиларни чопавергим, чопавергим келади. Қўрқаман, бир куни ўзимни ушлаб қололмайман деб қўрқаман. Ҳар бир куним азобда ўтмоқда»,— дейди у куюниб. Бурслон бу ҳолатнинг сабабчисини билади: ган Қутайба қўшинининг кучида ҳам эмас, ган бирликнинг йўқлигида, тор шах-

сий манфаатларга ўралашиб қолишда. «Баъ
даларининг бошига тушган кулфат сабабла
рини уларнинг ўзларидан излаш керак. Б
менинг эмас, Хурмузнинг дегани»,— дейд
у киноя билан Тоғшодага. Бу мағлубиятда
халқда айб йўқ. Халқ жонини бериб кура
шишга тайёр, ҳақоратни ҳеч қачон сингдира
олмайди. Бу хусусият Қутайбанинг Бухорон
қамал қилганида яққол кўринади. Лекин «бу
қамал тарихда кам учрайдиган қамал эди.
Бунда халқ курашарди ва энг катта хоин
шоҳ эди».

Қутайба шоҳни оғдириб олиш билан, бу
тун халқни қўлга олдим деб ўйлаган, «На
фосат фақат бизларда бўлади! Бошқа ҳеч
кимда бўлиши мумкин эмас. . .» деб, маданий
ят обидаларини вайрон қилиш билан халқ
руҳини ўлдирдим, унинг эътиқодини қалби
дан суғуриб олдим, деб ўйларди. «Биз энди
қайтиб кетиш учун эмас, абадий қолиш учун
келяпмиз. Энди бу мажусийлар бизнинг дин
га ўтади, бизнинг тилда намоз ўқийди ва, эҳ
тимол, бизнинг тилда фарзандлари билан ҳам
гаплаша бошлайди. Доро улардан бир қисми
нинг тилини суғуриб олган бўлса, биз ҳам
масининкини суғуриб оламиз», деб орзу қил
ган эди Қутайба.

Лекин унинг орзулари пуч, ўйлаганлари
сароб эканлигини ўзи ҳам тезда сезиб қол
ди. «Алдаб, зўрлаб масжидга келтирилган
оломонни, уларнинг кўр-кўрона, эътиқодсиз,
эътиборсиз бир тарзда намоз ўқиётганини
кузата туриб, ҳали ҳамма иш олдинда экан
лигини, бутун бир халқнинг юрак-юрагидан
дину имонини суғуриб олиб, ўрнига ислом
ақидаларини сингдириш Қутайба тасаввур

қилгандай осон эмаслигини ўйлаб, қалбининг
тубида тиғдор бир ваҳима, титроқ турди ва
бутун аъзойи-баданига тарқалиб, уни қалқи
тиб юборди».

Ёзувчи муваққат чекиниш бу ҳали мағлу
бият эмаслиги, халқ руҳини, эътиқодини ўл
дириш ҳеч қандай босқинчининг, ҳеч қандай
даҳшатли кучнинг қўлидан келмаслигини та
рихий фактлар асосида чизилган драматик
саҳналарда маҳорат билан кўрсатади. Асар
сарлавҳаси «Ўсма кетар, қош қолар» деб қў
йилганида ҳам ёзувчининг шу ғояси бўртиб
кўринади.

Маҳкам Маҳмудовнинг «Мангу куй из
лаб» тўпламига икки тарихий ҳикоя кирган.
«Шаклар маликаси» ва «Хиёнат» деб ном
ланган бу ҳикояларда Тўмарис сингари жа
сур ва доно аёллар образи яратилади.

Шаклар маликаси — гўзал Исфара қалби
бой, садоқатли, ватанга муҳаббати жўшқин
аёлдир. Малика эри Омирни дилдан севади,
уни ҳаммадан паҳлавон ва мард деб билади,
ўзининг энг бахтиёр дамларини унинг номи
билан боғлайди. Шунинг учун ҳам шоҳ Омир
Куруш қўлига асир тушганини эшитиб, даҳ
шатга тушади ва минглаб ватандошларини
бу шармандаликдан қутулиш учун жангга
бошлаб боради. У юртининг мустақиллиги,
севгилисининг озодлиги учун мардонавор
жанг қилади, душманни енгади. Лекин эри
Омирнинг Куруш билан ҳамкору ҳамтовоқли
гини кўриб, ларзага тушади. Малика эрининг
бу хатти-ҳаракатларини баҳолашда сира ҳам
иккиланмайди. У: «Шаклар душманининг дўс
ти, демак шаклариниг ҳам душмани» деган
қатъий хулосага келади. Шоҳ Омир унинг

учун қанчалик ардоқли бўлмасин, малика хиёнатчига халқ номидан ҳукм чиқаради. Шунинг учун ҳам «яқин дўсти, севимли ёри ва доно раҳбари» бошига қилич солишда қўли қалтирамайди, иккиланмайди.

Малика Исфара тимсолида биз гўзал хислларга бой, айни лайтда, халқ манфаати, ватанга садоқат ва мардликни ҳар қандай шахсий ҳиссиётлардан юқори қўювчи қаҳрамон аёлни кўрамиз. Унинг хатти-ҳаракатлари китобхонни садоқатга, мардлик, жасоратга ундайди.

«Хиёнат» ҳикояси (унинг русча варианти бойитиб қиссага айлантирилди ва «Бибихоним» номи остида эълон қилинди) қаҳрамонларидан бири Сароймулкхоним ҳам худди ана шундай мардлик, садоқат ва адолатлилик тарафдори. У дўстига хиёнат қилган эри Ҳусайнни жазолайди: унинг мағлубиятига сабабчи бўлади. Лекин ёзувчи малика Исфара билан Сароймулкхоним тадбиркорлиги ва айёрлиги ўртасида жиддий фарқ борлигига ишора қилади. Бу ҳикояларнинг ёнма-ён берилиши ва иккаласида ҳам аёл садоқати ҳақида гап юритилиши бежиз эмас.

Сароймулкхоним халқ, ватан манфаатларидан кўра кўпроқ ўз манфаати — Темурбекка мойиллиги туфайли дўстини айёрлик билан мағлуб этмоқчи бўлган эрига нисбатан ўзи ҳам «хиёнат» қилади. Бизнингча, асар сарлавҳаси ана шу иккала хиёнатга ҳам бирдай ишора қилади.

Шундай қилиб, тарихий-қаҳрамонлик мавзуининг ишланишида бугунги ўзбек адабиётида, айниқса, ёшлар ижодида янги бир кўтарилиш бўлаётганлиги кўзга яққол ташланади.